

ТАБИЙ (ҚИСИЛГАН, СУЮЛТИРИЛГАН) ГАЗ СОТИШ ШАРТНОМАСИ № 1

Бухоро шаҳри

5 январь 2022 йил

Олот туманидаги “Олот-Солт” хусусий корхонаси кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, ўзининг устави асосида иш юритувчи корхона раҳбари З.Ҳамдамов номидан бир томондан ва АБМК ФБга қарашли автотранспорт корхонаси (АБМК ФБ АТК) кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи корхона директори Хайитов К.Ж номидан иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Сотувчи қуйидаги маҳсулотни сотиш мажбуриятини, харидор эса ўз вақтида тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Жами маҳсулот микдори	Суммаси
1	Суюлтирилган газ (пропан)	литр	17333,33	52 000 000
	Жами:	3000	17333,33	52 000 000

1.2. Маҳсулотни етказиш сотиб олувчи автомашинаси газ балонларини сотувчининг автомашинага газ қуйиш шаҳобчасида (АГҚШ) қуйиш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Сотиб олувчи автомашинага газ қуйилган сана, маҳсулот етказиш санаси ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Суюлтирилган 1 литр газнинг нархи 3000 сўмни ташкил қилади. Суюлтирилган литр газнинг нархи Сотувчи биржадан сотиб олинган нархлар буйича узғариб туради, тарафлар шартноманинг умумий суммасидан ошмаган ҳолда нархлар буйича ҳисоб-китобни амалга оширадилар. Сотилган Табиий (кисилган, суюлтирилган) газнинг микдори узғариб туриши инобатга олиниб, ҳужжатларда акс эттирилади.

2.2. Мазкур шартнома тузилган вақтдаги умумий сумма 52000000 (Эллик икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.3. Газ олинган кундаги нарх бўйича тўлов амалга оширилади.

2.4. Суюлтирилган газ “Таркатиш қайдномаси” асосида берилади.

2.5. Таркатиш қайдномаси сотиб олувчи томонидан газ учун ўтказилган пул сотувчининг ҳисоб-рақамига 100 % ўтказилгандан сўнг берилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотиб олувчи газга қайта жиҳозланган автомашинадан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) амалдаги қоидаларга, техник ҳолатга, суюлтирилган газдан фойдаланиш бўйича йўриқномага тўлиқ амал қилиш.

б) автомашинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолатда сақлаш.

в) газ баллоннинг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида йўл варақасига белги қўйиш.

г) белгиланган тартибда автомашинага газ қуйиш учун тегишли органлардан махсус рухсатнома олиш.

3.3. Сотувчининг ҳуқуқлари:

а) автомашинанинг газ мосламаларини тўғри эксплуатация қилинаётганлигини назорат қилиш, ўлчов асбобларининг созлигини текшириш.

б) ҳайдовчининг газ билан ишловчи автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасини текшириш.

в) сотиб олувчи белгиланган қоидаларга, газ қуйиш регламенти ва шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, автомобилга газ қуйишни тўхтатиш.

3.4. Сотувчи ва сотиб олувчи газ ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ микдорини бир маромда узатиши ва қабул қилиши шарт.

Сотиб олувчи газ истеъмоли давомида юзага келадиган келгуси ўзғаришлар ҳақида йил чораги бошланишидан 15 кун олдин сотувчига ёзма ҳолда ёки телефонограмма (факс) орқали маълум қилиши шарт.

Сотувчи АГҚШдаги ускуналарнинг навбатдаги жорий таъмирланишини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий жорий таъмирланишини амалга оширишдан 15 кун олдин сотиб олувчини огоҳлантиради.

4. ГАЗ ҲИСОБИ

4.1. Сотиб олувчига берилган газ микдори таркатиш қайдномаси бўйича аниқланади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Сотувчи ва сотиб олувчи қуйидаги ҳолларда олинадиган газ ҳажмини кўпайтириш ёки камайитиришга ҳуқуқли ва бу учун жавобгар эмасдилар:

а) қутилмаганда газ қувурлари, электр, газ тармоқларида содир бўлган авария ҳолларда;

б) газ билан таъминлашда сотувчига, боғлиқ бўлмаган узилишларда;

в) ёнгин, зилзила, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар юз берганда;

г) газ қувурлари, электр, газ тармоқларининг навбатдаги жорий таъмирланиши, шу билан боғлиқ бўлган синов ва пайвандлаш ишлари давомида.

5.2. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгардирлар.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекс 122-модда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан шартнома тегишли тартибда ҳудудий фазначилик бўлими томонида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши, муҳрланиши лозим.

8.2. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

“Олот-Солт” ХК

Манзили: Олот тумани
Талқон-Сайёт қ.ф.й
тел\факс: 34-22-438

х\р: 20208000604265218001
ДТ Халк банки Олот тум. бул
МФО: 00673 СТИР: 204107403
ОКОНХ: 71211

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

АБМК ФБ АТК

Манзили: Бухоро шаҳри
Ширбудин кўчаси 9-уй
тел\факс: 228-83-86, 228-86-14
ш\хв 100010860064017042402170004

МБ ББ ХККМ Тошкент ш
МФО: 00014, СТИР: 200856377
ОКОНХ: 51121

Фазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти
бўйича Фазначилик бошқармаси
Фазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳар
МФО 00014
Фазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар:



З.Хамдамов

(имзо)



Хайитов К.Ж

(имзо)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО):

Гувоҳнома (Диплом) №000421 ва берилган санаси: 26.10.08

Муборақов Ж